

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/04.03.2022.Tib.95.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

СУЮНОВ ДИЛМУРОД МЎМИНОВИЧ

**БИЛИАР ПАНКРЕАТИТ: ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, КЛИНИК
КЕЧИШИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ГЕРОНТОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content so dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Суёнов Дилмурод Мўминович

Билиар панкреатит: эпидемиологияси, клиник кечиши ва профилактикасининг геронтологик хусусиятлари..... 5

Суёнов Дилмурод Муминович

Билиарный панкреатит: геронтологические особенности эпидемиологии, клинического течения и профилактики..... 28

Suyunov Dilmurod Muminovich

Biliary pancreatitis: gerontological features of epidemiology, clinical course and prevention..... 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/04.03.2022.Тиб.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

СУЮНОВ ДИЛМУРОД МЎМИНОВИЧ

**БИЛИАР ПАНРЕАТИТ: ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, КЛИНИК КЕЧИШИ
ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ГЕРОНТОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2194 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (info@adti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Мадазимов Мадамин Мўминович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуритдинов Арифжон Талибович
тиббиёт фанлари доктори.

Фаттахов Нусратулло Хамидуллаевич
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот

Самарқанд тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 04/04.03.2022.Tib.95.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел.: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «___» даги _____ - сонли почта жўнатмалари протоколи реестри).

З.С.Салоҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.З. Мамарасулова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Р.Узбекова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ошқозон ости беши касалликлари аҳоли орасида юқорида даражада тарқалганлиги ҳисобига ижтимоий аҳамиятга эга гуруҳга тааллуқли бўлиб, юқори ўлим ҳамда катта иқтисодий йўқотишларни ўз ичига олади. Шу сабабли ҳам билиар панкреатит мавзусига кўп сонли тадқиқотлар бағишланган. Бироқ бу жаҳадаги илмий текширувларнинг таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, «профилактик панкреатологиянинг масалалари бугунги кунгача етарли даражада ҳал этилмаган ...»¹. Клиник авж олиш босқичига етган ўткир панкреатит ошқозон ости бешида ва уни ўраб турувчи тўқималарда яллиғланиш жараёнларини, цитоллиз ва интрапанкреатик протеолитик ферментларни гиперфаоллашуви каби хавфли ҳолатларни келтириб чиқариб улгурган бўлади. Уни “изсиз” орқага қайтариш деярли мумкин эмас, қайтарилганда ҳам тиббий, иқтисодий ва ижтимоий талофатлар қолдиради. Лекин этиологик хавф омилларининг таъсири тўхтатилса, тўлиқ клиник ва гистологик тикланиш мумкинлиги тадқиқотларда кўрсатилган². Ўткир панкреатитнинг хавф омилларини стратификация қилиш ушбу хатарни минималлашувида олиб келиши ва меъда ости беши касалликларининг фаол бирламчи профилактикаси дастурлари негизини ташкил қилиши мумкин.

Жаҳонда ошқозон ости беши касалликлари, хусусан билиар панкреатит патологиясини ўрганиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу патологияларнинг патогенетик механизмлари, этиологияси, ташҳисоти, даволаш ва олдини олиш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилган. Гарчи мавжуд усуллар билан профилактика самарадорлиги ҳар йили пасайиб бораётган бўлса ҳам сўнгги ўн йилликларда геронтологик ёшдаги популяцияда янги усуллар деярли таклиф қилинмаган. Хорижий тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, геронт ёшдаги аҳолида билиар панкреатит билан касалланишнинг пасайиш даражаси кўп нарсани талаб қилмайди, шунга қарамай, касалликнинг якуни учун башоратли мезонлар, шунингдек, профилактиканинг самарали усуллари ҳали ишлаб чиқилмаган. Касалликнинг клиник, тиббий ва ижтимоий жиҳатлари бўйича жинс ва ёш хусусиятлари, хавф омиллари билан ассоциациясининг хусусиятлари бўйича ягона фикр мавжуд эмас.

Мамлакатимизда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг, геронтологик ёшдаги аҳолининг панкреатит, хусусан билиар панкреатит билан касалланиш даражасини аниқлаш, ташҳис қўйиш, даволаш ва ушбу патологиянинг профилактикаси йўллари ишлаб чиқиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясининг 7 та устувор

¹ Хронический панкреатит у взрослых. Клинические рекопедации. Российская гастроэнтерологическая ассоциация. -2016 ID:KP273

йўналишнинг 56-мақсад, 4-қисмида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»² бўйича қатор вазифалар белгиланган. Шунга асосланиб, билиар панкреатитнинг эпидемиологияси, клиник кечиши ва профилактикасининг геронтологик хусусиятларини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсидаги тадқиқотларда панкреатитнинг келиб чиқишида 40% дан ортиқ ҳолатларда ўт йўллари патологияларининг роли кўрсатилган. Бундай вазиятда панкреатит кўйидагилар асосида ривожланади: ўт пуфагининг жойлашуви ва шаклининг нуқсонларида, панкреатик йўлнинг ва холедох дистал худудлари торайиши ва кисталарида, Одди сфинктери стенозида (52%), сурункали холециститларда (42%), ўт тош касаллигида ёки холецистэктомия оқибатида (6%) (Цуман И.Г., ва бошқ., 2001). Панкреатитлар 25% гача болаларда ҳам аъзолари касалликлари сабабли келиб чиқади (Moriville V.D. ва бошқ., 2010; Корниенко Е.А. ва бошқ., 2010). Болаларда учраш частотаси йилига ҳар 100 000 тага 3,6-13,2 тадан тўғри келади (Abu-El -Hadija Metel., 2017). Болалардаги хирургик касалликлар сабаб ўткир панкреатит 0,4-1% гача келиб чиқади (Crzybowska-Cherobowezyk U. et al., 2018).

Дунёнинг ривожланган давлатларида турли популяцияларда билиар панкреатитга ва панкреатитлар ташҳисоти ҳамда асоратларига бағишланган илмий кузатувлар олиб борилмоқда (Прудков М.И., 2013; Багненко С.Ф, Благовестном Д.А. ва бошқ., 2014; Джалолов А.С., Асронов Ш.Я, Ёкубов Х.Ш., 2022).

Ўзбекистонда хусусан Фарғона водийсида, билиар панкреатитнинг эпидемиологиясига ва профилактикасига бағишланган ишлар олиб

² «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

борилмаган. Бундан ташқари, ўткир панкреатит келиб чиқишига бевосита алоқадор хавф омилларининг аҳоли орасида ортиб бораётганлиги кейинги йиллардаги тадқиқотларда ҳам кенг муҳокама қилинмоқда. Ҳозирги кунгача олинган эпидемиологик маълумотлар турли популяцияларда, кўпайиб бораётганлигини тасдиқлаган: семизлик 30,8%, кашандалик-14,2%, гиперхолестеринемия-56,3%, гипергликемия-4,1%-9,1%, тузни ортиқча истеъмол қилиш - 47,1%, сабзавот ва меваларни меъридан кам қабул қилиш-36,2%, гипергомоцистеинемия-5%, (Kim S.S. et al.,2018; Poerecke M. et al. 2018; Друк И.В. ва бошқ., 2019).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №002228 «Билиар панкреатит: эпидемиологияси, клиник кечиши ва профилактикасининг геронтологик хусусиятлари» (2020–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тақдиротнинг мақсади билиар панкреатитнинг эпидемиологияси, клиник кечиши ва профилактикасининг геронтологик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

уюлмаган 60-90 ёшли эркак ва аёллар популяциясида билиар панкреатитнинг эпидемиологиясини ўрганиш;

геронтологик гуруҳга мансуб аҳоли популяциясида билиар панкреатитнинг клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш;

кекса ва қариялар популяциясида билиар панкреатитнинг хавф омилларининг тарқалишини ўрганиш;

билиар панкреатитнинг бош хавф омилларини ажратиш ва уларни касалликни келтириб чиқариш хавфига ҳиссаларни қийсий баҳолаш;

геронтологик аҳоли учун билиар панкреатитнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикаси алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилоятида яшовчи $\geq 60-90$ ёшли 1500 та репрезентативлиги таъминланган аҳоли гуруҳи (882 та аёллар ва 618 та эркаклар) олинган.

Тадқиқот предмети сифатида Фарғона водийсининг геронтологик ёшдаги аҳолисида билиар панкреатитнинг эпидемиологик, клиник ва профилактик хусусиятларининг таҳлили, мувофиқ ва хос профилактикасининг алгоритминини ишлаб чиқиш бўлган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда физикавий, эпидемиологик, лаборатор ва биокимёвий, инструментал ва статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кекса ва қариялар популяциясида билиар панкреатитнинг хавф омилларининг тарқалиш даражалари, уларнинг шаклланишларининг ҳудудий эпидемиологик маҳанизмлари исботланган;

билиар панкреатитнинг клиник кечиш хусусиятларининг геронтологик қирралари ва алоҳида томонлари ажратилган, улар асосида донозологик ташҳисоти ва профилактикаси яратилган;

билиар панкреатитнинг геронтологик ёшдаги популяциясида хавф омилларига боғлиқ ҳолда келиб чиқишининг нисбий хавфини ва оғир асоратларини прогнозлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

илк бор билиар панкреатитнинг геронтоэпидемиологик топилмалари очилган ва улардан иккиламчи ва учламчи профилактикаси тизими мезонлари сифатида тавсия қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

геронтологик ёшдаги аҳолида билиар панкреатитни келиб чиқишининг эпидемиологик механизмлари бўйича янги тавсиялар ишлаб чиқилган;

билиар панкреатитнинг клиник кўринишлари бўйича маълумотлар ва фарқли ҳудудий хос жиҳатлари ва клиник кечишини ўрганиш бўйича тавсиялар амалиётга жорий этилган;

геронтологик ёшдаги аҳолида билиар панкреатитнинг хос ва мавжуд хавф омиллари доираси кенгайтирилиб, кундалик фаолият учун тавсия жорий этилган;

геронтологик ёшдаги аҳоли учун билиар панкреатитнинг скрининг тизими ва профилактикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг профилактик тиббиёт бўйича Ҳалқаро тавсиялар талаблари қондирилган ҳолда ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) нинг мезонларига амал қилиб ташкил қилинганлиги ва бажарилганлиги, эпидемиологик тадқиқот учун аҳоли танлови-репрезентативлиги таъминланганлиги, назарий маълумотларнинг шахсий материалларга мос келиши, методологик ёндашувнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги олинган натижаларнинг комплекс эпидемиологик, лаборатор, биокиёвий, инструментал ва статистик усулларга асосланганлиги, олинган маълумот ва хулоса ҳамда амалий тавсияларнинг, яратилган ишланмаларнинг халқаро тажрибалар билан қиёсланиб шарҳланганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларинининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улар асосида яратилган эпидемиологик мазмундаги ва профилактик йўналишдаги ишланмалар билиар панкреатит учун превентив амалиётни кучайтириши, у билан боғлиқ асоратларни ва “қаттиқ нуқталар”ни камайтириши, предиктив ва партисинатив фаолият натижавийлигини кучайтириши, предиктив, партисинатив ва профилактик панкреатологияга асос солинганлиги ҳамда уни ривожлантириб, унинг самарали усулари ишлаб чиқилганлиги ва “кучли хирургик тиббиёт” сифатида амалиётга тавсия қилинганлиги, донозологик ташҳисот, бирламчи ва иккиламчи ҳамда учламчи профилактик тизим ҳамда алгоритмлар ҳалқаси шаклида амалий ишлаш учун тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти башоратлашга асосланган “профилактика+даволаш+реабилитация” тизимининг фаолиятга киритилганлиги, ушбу фаолиятни оммавийлаштириш инновацион профилактика амалиётини хирургияда ва тиббиётнинг бирламчи бўғинида

кучайтирганлиги, соғлом турмуш тарзининг панкреатитга нисбатан саноген омил сифатида кўриш ва қаттиқ ушлаб туриш даражасини аҳоли орасида 70% дан 90% гача ошириши, билиар панкреатитни келтириб чиқарувчи бош хавф омилларни эрта аниқлашни ва бартараф этилишини 31,4% гача ортганлиги, билиар панкреатитдан асоратланиш туфайли келиб чиқадиган ўлимнинг 20% гача, бирламчи ногиронликнинг 15% гача камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

“Билиар панкреатит: эпидемиологияси, клиник кечиши ва профилактикасининг геронтологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида: *биринчи илмий янгилик*: кекса ва қариялар популяциясида билиар панкреатитнинг хавф омилларининг тарқалиш даражалари, уларнинг шаклланишларининг ҳудудий эпидемиологик маҳанизмлари исботлаш бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти томонидан 2024 йил 29 февралдаги №6 і-23/у-сонли хати билан расмийлаштирилган «Предиктив, превентив ва портисипатив панкреатология: Билиар панкреатит мисолида» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Андижон филиали бўйича 07.03.2024 йилдаги 51- сонли буйруғи, Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Наманган филиали бўйича 14.03.2024 йилдаги 61с/т 1 сонли буйруғи ва Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Фаргона филиали бўйича 26.03.2024 йилдаги 42 сонли буйруғи бўйича тегишли бўлимлари амалиётига жорий этилган.(Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 01/28 сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: Ишлаб чиқилган усулнинг жорий этилиши геронтологик ёшда билиар панкреатитнинг ва унинг салбий оқибатларини эрта башорат қилиш, ногиронликни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги*: геронтологик ёшдаги аҳоли орасида билиар панкреатит касаллининг компонентларини профилактика қилиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тиббий- ижтимоий тадқиқотлар ўтказилганда 12000000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади; *иккинчи илмий янгилик*: билиар панкреатитнинг клиник кечиш хусусиятларининг геронтологик қирралари ва алоҳида томонлари ажратилган, улар асосида донозологик ташҳисоти ва профилактикаси яратилиш бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти томонидан 2024 йил 29 февралдаги №6 і-23/у-сонли хати билан расмийлаштирилган «Предиктив, превентив ва портисипатив панкреатология: Билиар панкреатит мисолида» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Андижон филиали бўйича 07.03.2024 йилдаги 51- сонли буйруғи, Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Наманган филиали бўйича 14.03.2024 йилдаги 61с/т 1 сонли буйруғи ва Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Фаргона филиали бўйича 26.03.2024 йилдаги 42 сонли буйруғи бўйича тегишли бўлимлари амалиётига жорий этилган.(Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг

2024 йил 25 июндаги 01/28 сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Ишлаб чиқилган усулнинг жорий этилиши геронтологик ёшда билиар панкреатитнинг ва унинг салбий оқибатларини эрта башорат қилиш, ногиронликни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* билиар панкреатитнинг клиник кечиш хусусиятларининг геронтологик қирралари ва алоҳида томонлари ажратилган, улар асосида донозологик ташҳисоти ва профилактикасини яратиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тиббий- ижтимоий тадқиқотлар ўтказилганда 13000000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади; *учинчи илмий янгилик:* илк бор билиар панкреатитнинг геронтоэпидемиологик топилмалари очилган ва улардан иккиламчи ва учламчи профилактикаси тизими мезонлари бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти томонидан 2024 йил 29 февралдаги №6 і-23/у-сонли хати билан расмийлаштирилган «Предиктив,превентив ва портисипатив панкреатология: Билиар панкреатит мисолида» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Андижон филиали бўйича 07.03.2024 йилдаги 51- сонли буйруғи, Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Наманган филиали бўйича 14.03.2024 йилдаги 61с/т 1 сонли буйруғи ва Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Фаргона филиали бўйича 26.03.2024 йилдаги 42 сонли буйруғи бўйича тегишли бўлимлари амалиётига жорий этилган.(Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 01/28 сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган усулнинг жорий этилиши геронтологик ёшда билиар панкреатитнинг ва унинг салбий оқибатларини эрта башорат қилиш, ногиронликни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* билиар панкреатитнинг геронтоэпидемиологик топилмалари очилган ва улардан иккиламчи ва учламчи профилактикаси тизими мезонлари бўйича тиббий- ижтимоий тадқиқотлар ўтказилганда 12000000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади; *тўртинчи илмий янгилик:* илк бор билиар панкреатитнинг геронтоэпидемиологик топилмалари очилган ва улардан иккиламчи ва учламчи профилактикаси тизими мезонлари бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти томонидан 2024 йил 29 февралдаги №6 і-23/у-сонли хати билан расмийлаштирилган «Предиктив,превентив ва портисипатив панкреатология: Билиар панкреатит мисолида» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Андижон филиали бўйича 07.03.2024 йилдаги 51- сонли буйруғи, Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Наманган филиали бўйича 14.03.2024 йилдаги 61с/т 1 сонли буйруғи ва Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Фаргона филиали бўйича 26.03.2024 йилдаги 42 сонли буйруғи бўйича тегишли бўлимлари амалиётига жорий этилган.(Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 01/28 сон хулосаси).*Ижтимоий самарадорлиги:* Ишлаб чиқилган усулнинг жорий этилиши геронтологик ёшда билиар панкреатитнинг ва унинг салбий

оқибатларини эрта башорат қилиш, ногиронликни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган. *иқтисодий самарадорлиги*: геронтологик ёшдаги аҳоли орасида билиар панкреатит касаллининг компонентларини профилактика қилиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тиббий- ижтимоий тадқиқотлар ўтказилганда 12000000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, шундан 2 таси республика, 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асосланган, ўрганилган объект ва предмети тавсифланган. Мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг илмий ва амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ҳақида маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши баён қилинган.

Диссертациянинг **“Билиар панкреатит мисолида превентив панкреатологиянинг геронтологик долзарб масалалари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида ватандош ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий натижалари асосида, билиар панкреатитнинг скрининг профилактикасининг геронтологик долзарб масалалари, геронтологик ёшдаги аҳоли орасида асосий хавф омилларнинг эпидемиологик хусусиятлари, ҳамда ушбу ёш тоифасида билиар панкреатит муаммоларини бартараф этишнинг истикболли предиктив, превентив ва партисипатив йўллари батафсил ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материали ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобидан тадқиқотни ўтказиш давомида фойдаланилган материал ва қўлланилган усулларнинг батафсил тавсифи ўрин олган.

Тадқиқот Фарғона водийсининг Фарғона вилоятида ўтказилган. Дизайни бўйича у бир вақтли эпидемиологик тадқиқот бўлиб ҳисобланади. Унинг материалларига аниқлик киритишда эпидемиологик тадқиқотнинг бош талаби унинг билиар панкреатитнинг маълум бир (текширув) пайтдаги манзарасини тақдим эта олиши ҳисобга олинган.

Фарғонанинг 1500 та $\geq 60-90$ ёшли аҳолиси ажратилган. 10%ли танлов усули қўлланилиб тадқиқот учун якуний мутлоқ 1500 та аҳоли ажратилган (882 та аёллар ва 618 та эркеклар). Ушбу аҳоли 2020-2023 йилларда тўлик комплекс эпидемиологик текширувидан ўтказилган.

Тадқиқот 3 босқичда бажарилган. I-босқич тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олган: махсус анкетадан фойдаланиб бирламчи скринингни ўтказиш ва унинг натижаларидан келиб чиқиб эпидемиологик ташҳис/хулоса чиқариш.

II - босқичда 4 йўналишда тадбирлар амалга оширилган:

1) популяцияни бирламчи ва иккиламчи профилактика учун ажратиш, 2) якуний клиник ташҳис қўйиш, 3) суҳбатлар ўтказиш, 4) қўшимча текширувларни, заруриятни ҳисобга олиб ўтказиш (клиник, лаборатор ва физикал).

Тадқиқотнинг III - босқичида - ихтисослаштирилган муассасаларда даволанишга муҳтож популяция гуруҳини ажратиш ва геронтологик ёшли аҳоли учун билиар панкреатит профилактикасининг алгоритмини ишлаб чиқиш каби тадбирлар бажарилган.

Сўровномали усуллар. Тадқиқотда “бирламчи текширув” карта – “Сурункали юқумли бўлмаган касалликларни аниқлаш учун сўровнома” қўлланилган. Унинг учун биз томонимиздан асос қилиб жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган анкета олинган. Карта - сўровнома орқали ошқозон-ичак тизими касалликлари (хусусан, билиар панкреатит ҳам) ва юрак-қон томир касалликлари, нафас аъзолари касалликлари, сийдик ажратиш тизими касалликлари, қандли диабет - коморбид фон сифатида ўрганилган ва эпидемиологик ташҳис қўйилган. Сўровнома усуллар билан асосий юқумли бўлмаган сурункали касалликлар (АЮБСК), ошқозон-ичак тизимли касалликлари (ОИТК) ва асосий хавф омиллари аниқланган.

Биокимёвий усуллар. Маҳаллий даволаш муассасаларида қўлланиладиган лаборатор ва биокимёвий усуллардан фойдаланиб қуйидаги текширувлар бажарилган: 1) қонда ва сийдикда панкреатик ферментлар фаоллиги аниқланиб баҳоланган; 2) лейкоцитоз, ЭЧТ, нейтрофилёз, ўткир фаза оқсиллари концентрациясини аниқлаш орқали умумий яллиғланиш интенсивлигини баҳоланди; 3) қон зардобида холестерин, триглицеридлар миқдори аниқланган; 4) қондаги Аспартатаминотрансфераза (АСТ), аланинаминотрансфераза (АЛТ) ва билирубин миқдори аниқланган; 5) кўрсатмага кўра қондаги қанд миқдори аниқланган.

Инструментал текширув усуллари: Умумқабул қилинган ва амалий тиббиётда қўлланиладиган инструментал текширув усуллари қўлланилган: 1) ултратовуш текшируви (УТТ). Текширув АЛОКА-5500 Prosound (Япония) аппаратида икки ўлчамли (В) тартибда, 2-7,5 МГц тўлқин узунлигига эга конвексли узатгичда қабул қилинган қондалар асосида бажарилган (Рыхтик П.И., 2009); эндоскопик папиллосфинктеротомия (ЭРХПГ), заруриятга қараб индивидуал тарзда даволаш муассасида фойдаланиладиган умумқабул қилинган усуллар ёрдамида амалга оширилган.

Физикал-клиник текширувда популяциянинг умумий ҳолати, оғрик синдроми, хусусиятлари ва жадаллиги, интоксикация симптомлари ва марказий ҳамда периферик гемодинамиканинг бузилишлари аниқланган ва баҳоланган.

Асосий хавф омилларини аниқлаш ва баҳолаш учун умумэтироф этилган ва профилактик тиббиётда қўланиладиган усуллар қўлланилган (ЖССТ, 2002).

Билиар панкреатитни ташҳислашда ва шакллантиришда, оғирлик даражасини баҳолашда Атланта (1992) халқаро таснифи ва Савельев В.С. ва ҳаммуал. клиник-морфологик таснифидан (2000) фойдаланилган. Ўткир панкреатит ташҳиси қуйидаги аниқланган минимум аломатлардан (бошқа хирургик патология истисно қилинганда) иккитасининг қўшилиб учрашида ташҳисланган: 1) анъанавий клиник манзараланиш: белбоғсимон характерли спазмолитиклар билан тўхтатиб бўлмайдиган жадал оғрик, тўхтовсиз қайт қилиш, қориннинг дам бўлиши, алкоголь истеъмол қилиш, ўткир (аччиқ) овқат қабул қилиш ёки анамнезда ошқозон - ичак ва бошқа касалликларнинг бўлиши; 2) УТТда: жигар ўт йўллари патологияси билан бирга ошқозон ости беши ҳажмининг катталаниши, экзогенлигининг пасайиши, контурларининг ноаниқлиги бўлиши; 3) лаборатор кўрсаткичлар: гиперамилаземия, гиперамилазурия.

Оғир даражали панкреатит учун характерли аломатлар сифатида қуйидагилар қабул қилинди: перитонеал синдром, олигоурия (охирги 12 соатда <250мл сийдик ажралиши), тери симптомлари (юз гиперемияси, мармарсимон тусдалиги, цианоз), систолик АБнинг 100 мм.сим.уст.дан паст бўлиши, энцефалопатия, гемоглобиннинг >160 г/л дан юқори бўлиши, лейкоцитоз >14 ×10⁹/л, глюкоза миқдори 10 ммоль/л дан юқори бўлиши, мочевиначининг қонда >12 ммоль/л дан юқори бўлиши, электрокардиография (ЭКГ) маълумотлари бўйича метаболик бузилишлар ва асосий давонинг самарасизлиги.

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда Open Data Kit системасининг www.Kobotoolbox.org платформасидан фойдаланилган.

Маълумотлар базасини йиғишда тадқиқотнинг 2 даражали хатоликлардан қочиш мақсадида, саволларга махсус чекловлар бириктирилган ва амалиётга тақдим этилган. Ишлаб чиқилган саволномани респондентларга тақдим этиш учун, Open Data Kit системасининг www.Kobotoolbox.org платформасидан фойдаланилган. Маълумотлар базасини йиғишда тадқиқотнинг 2 даражали хатоликларидан қочиш мақсадида, саволларга махсус чекловлар бириктирилди ва амалиётга тақдим этилди.

Тайёр бўлган маълумотлар базаси “CSV” форматга экспорт қилинди ва “R studio” дастурида “rio, here, skimr, janitor, lubridate, epikit, scales, viridis, tsibble, apyramid, flextable, tidyverse ва dplyr пакетларидан фойдаланиб маълумотлар базаси статистик анализ учун тайёрланган. Популяциянинг турли гуруҳларда тарқалиши “R studio” дастурининг (table1) пакетиди тақсимланиб, олинган маълумотлар xlsx форматига экспорт қилинган ва

жадвалларни тўлдиришда фойдаланилган. Ўрганишда, таъсир этган омил ва оқибат ўртасида боғлиқлик мавжудлигини баҳолаш учун, “R studio” дастурининг sjstats, expss, finalfit ва remote пакетлари ёрдамида, биостатистика асосларининг “имкониятлар нисбати” (OR) аниқланган. Таҳлил натижасида олинган “имкониятлар нисбати” статистик аҳамиятини баҳолаш мақсадида Эйлернинг константасидан фойдаланган ҳолда 95% ишонч интервали олинган. “chisq.test” пакети асосида Пирсон меъзони бўйича χ^2 ҳисобланиб, “p.value” пакетига махсус функция ёрдамида бириктирилган. Натижада барча олинган хулосалар ўзида имкониятлар нисбати (OR), 95% ишонч интервали ва Фишернинг p қийматини ўзида жамлаган. Барча аниқланган имкониятлар нисбати ва 95% ишонч интерваллари “Forest plot” диаграммаларида логарифмик ўсиш даражасида таққосланган.

Диссертациянинг **“Геронтологик ёшдаги уюшмаган аҳоли орасида билиар панкреатитнинг эпидемиологик хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида Водийнинг геронтологик ёшдаги уюшмаган аҳолисида билиар панкреатитнинг гендерли эпидемиологик хусусиятлари ўрганилган.

Тадқиқотда олинган маълумотларни статистик таҳлил қилиш қуйидагиларни исботли кўрсатди: $\geq 60-90$ ёшли аҳолида билиар панкреатит 26,4% тарқалиш частотаси билан аниқланди, жумладан, 60-74 ёшлиларда (кексаларда) – 26,2%, 75-89 ёшлиларда (қариялар) - 25,3% ва >90 ёшдан ортганларда (геронт аҳоли) – 50,0% частоталарда қайд қилиниш билан тасдиқланди. (1-жадвал).

Аёллар, эркакларга нисбатан 1,12 баробарга кўпроқ билиар панкреатит касаллигининг ривожланишига мойил эканлиги исботли асосланди [OR=1,12]. Лекин ишонч интервали ва Фишернинг p қиймати ушбу натижани статистик аҳамияти йўқ эканлигини кўрсатди [CI= 0.88- 1.42; p >0,05].

БПнинг аниқланиш частотаси аёллар (27,4%) ва эркаклар популяциясида (25,0%) сезиларсиз тафовут билан кузатилади (p=0,715).


Геронтологик ёшдаги қишлоқ ва шаҳар аҳолисида БП - 28,0% ва 25,0% тарқалиш частотаси билан аниқланади. Аниқланиш частотаси ёшга боғлиқ ҳолда қишлоқ аҳолисида 15,9% га ва шаҳар аҳолисида 32,1% га ортади (OR=1,14%; CI= [0,9-1,45]; $\chi^2= 1,13$; p> 0,05).

Турли ёш гуруҳларида қишлоқ ва шаҳарнинг кекса, қария ва геронт аҳолисида билиар панкреатит хос эпидемиологик хусусиятлар билан аниқланади: 60-74 ёшлиларда – 27,1% ва 24,9%, яъни қишлоқ популяциясида 2,0% фарқ билан ортиқ частотада кузатилади. 75-89 ёшлиларда бу тафовутланиш 5,6%ни ташкил этади, қишлоқ ва шаҳар аҳолисида БП - 27,4% ва 21,8% дан тарқалиш частотасида кузатилади. БП юқори частотада тарқалиш билан ≥ 90 ёшдан ошганларда аниқланади мос равишда - қишлоқ аҳолисида- 42,9% ва шаҳар аҳолисида - 57,1%.

**Геронтологик ёшдаги аҳоли популяциясида билиар панкреатитнинг
эпидемиологик тавсифи**

Ёш гурухи	Қишлоқ аҳолиси			р	Шаҳар аҳолиси			Умумий популяция		
	n	БП			n	БП		n	БП	
		мутлоқ сон	%			мутлоқ сон	%		мутлоқ сон	%
60 – 74	683	185	27,1	0,903	405	101	24,9	1088	286	26,3
75 – 89	237	65	27,4		147	32	21,8	384	97	25,3
≥ 90	21	9	42,9		7	4	57,1	28	13	46,4
≥ 60-90	941	259	27,5		559	137	24,5	1500	396	26,4
OR:1,14; CI: [0,9 - 1,45]; Хи ² :1,13; p-value>0,05										

Қишлоқ аҳолиси, шаҳарда яшовчиларга нисбатан кўпроқ билиар панкреатит касаллигининг ривожланишига мойил эканлиги исботли асосланди [OR=14]. Лекин ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу натижани статистик аҳамияти йўқ эканлигини кўрсатди [OR:1,14; CI: [0,9 - 1,45]; Хи²:1,13; p-value>0,05].



1-расм. Шаҳар ва қишлоқнинг кекса қария, ва геронт ёшдаги аҳолисида билиар панкреатитнинг эпидемиологик хусусиятлари

Хулоса тарзида кўрсатиш мумкин бўладики билиар панкреатитга чалиниш кўпроқ қишлоқ аҳолисида тасдиқланади.

Маълумоти олий бўлган шахслар, ўрта маълумотлиларга нисбатан 4%га кўпроқ билиар панкреатит касаллигининг ривожланишига мойил эканлиги ишончли асосланди [OR 1.07]. Лекин ишонч интервали ва

Фишернинг p қиймати ушбу натижани статистик аҳамияти йўқ эканлигини кўрсатди [CI 95% 0.69- 1.68; $p>0,05$].

Маълум бўлдики, геронтологик ёшдаги аҳоли популяциясида маълумотлилик даражасини ҳам билиар панкреатитнинг хавф омили сифатида қаралса мақсадга мувофиқ бўлади. Унга боғлиқ ҳолда билиар панкреатит хос эпидемиологик хусусиятлар билан аниқланди (OR= 1.07; CI=[0,69-1,68]; $\chi^2=0,1$; $p>0,05$).

Шундай қилиб, унинг тарқалиш частотаси олий (22,7%) ва ўрта маълумотлиларда (26,7%) тафовут билан тасдиқланди ($p=0,893$). Бундан ташқари турли ёш гуруҳларида ҳам шундай тафовутни акс эттириб БП олий маълумотли ва ўрта маълумотлиларда куйидагича тарқалиш частоталарида тавсифланди: 60-74 ёшда- 21,3% ва 26,8%, 75-89 да- 31,6% ва 24,9%, >90 ёшдан ўтганларда 0,00% ва 48,1%. гача тасдиқланди.

Диссертациянинг **“Геронтологик ёшдаги аҳоли орасида метаболик синдром компонентларининг (ортиқча тана вазни, дислипидемия, артериал гипертензия (АГ)) эпидемиологик хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобида геронтологик ёшдаги аҳоли орасида метаболик синдром компонентларининг (ортиқча тана вазни, дислипидемия, артериал гипертензия) эпидемиологик хусусиятлари баён қилинган.

Ортиқча тана вазнига эга популяция эга бўлмаганларга нисбатан 7%га кўпроқ билиар панкреатит касаллигининг ривожланишига мойил эканлиги исботланди [OR 1.07], Лекин, ишонч интервали ва Фишернинг p қиймати ушбу натижанинг статистик аҳамияти йўқ эканлигини кўрсатди [CI 95% 0.85- 1.36; $p>0,05$].

Метаболик синдром (МС)нинг асосий компоненти бўлган ортиқча тана вазни Фарғона шаҳрининг геронтологик ёшдаги билиар панкреатит билан оғриган аҳолиси орасида 13,1% тарқалиш частотасида аниқланди. 60-74 ёшларда 12,3%, 75-89 ёшда 16,5% ва ≥ 90 ёшлиларда 7,1% тарқалиш кўрсаткичлари билан эпидемиологик тавсифланди. Энг юқори кўрсаткич 75-89 ёшда ва энг паст даража эса ≥ 90 ёшда 9,4% га тафовутланиш частотаси билан тасдиқланди [OR:1,07; CI: [0,85 - 1,36]; $\chi^2:0,33$; $p\text{-value}>0,05$].

Билиар панкреатит билан геронтологик ёшдаги аҳоли (ГЁА) да метаболик синдромнинг иккинчи муҳим компоненти гиперхолестеринемия, геронтологик ёшдаги аҳолида билиар панкреатитнинг келиб чиқишига алоқадор бўлган кучли хавф омили бўлиб ҳисобланади ёки бу маълумотлар клиник тасдиқланган натижаларга мос келади. Гиперхолестеринемия мавжуд бўлган шахслар билиар панкреатит касаллигининг ривожланишига 8 баравар кўпроқ мойил эканлиги тасдиқланган [OR:8,11;CI: [5,59-11,77]; $\chi^2:154,43$; $p\text{-value}<0,05$].

Гиперхолестеринемия таъсирида билиар панкреатитнинг келиб чиқиши хавфи ёшга боғлиқ ҳолда, 40% дан 52,2% гача етади. Геронт аҳолида эса ҳар иккитанинг бирида бу хавф омили патоген таъсирида БП ривожланиш хавфини оширади.

Гипертриглицеридемия мавжуд бўлган ГЁА 4,5 баравар билиар панкреатитнинг ривожланишига мойил эканлиги ишончли асосланди [OR


4.61] ва ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу натижанинг статистик аҳамиятли эканлигини кўрсатди [CI 95% 3.55 - 6; $p < 0,05$].

Олинган ва статистик ишланган натижалар шуни тасдиқладики, гипертриглицеридемия (ГТЕ) текширилган аҳолида юқори частотада 73,5% гача етиши аниқланди ва ушбу натижага урғу бериш керак бўлган ҳолат ГТЕ юқори тарқалиш частотаси билан 60-74 ёшлиларда (71,9%) ва 75-89 ёшлиларда (81,4%) қайд этилди. Улар билан солиштирилганда, геронт популяцияда 1.4 баравар паст тарқалиш частотаси (50,0%) кузатилди [OR=4,61; CI=[3,55-6], $\chi^2 = 142,66$; $p < 0,05$].

Эркак ва аёллар популяциясида ГТЕ -70,8% ва 75,2% дан аниқланиш частотаси билан тасдиқланди ($p=0,919$), турли ёшлиларда гипертриглицеридемиянинг тарқалиш частотаси аёллар ва эркакларда тафовутланиб аниқланди: 60-74 ёшда-74,0% ва 63,5%, 75-89 ёшда 84,6% ва 77,8, ≥ 90 ёшда -53,8% ва 0,00% (2-расм).

Умуман, дислипидемия хавф омилли сифатида таҳлил қилинганда ҳам гиперхолестеринемия (ГХС) ва ГТЕ тимсолида аниқланган эпидемиологик тенденциялар геронтологик ёшдаги аёллар ва эркакларда яққол кўзга ташланади.

Дислипидемия билан яшовчи ГЁА 2,5 баравар билиар панкреатитнинг ривожланишига мойил эканлиги исботланди [OR 2.45], Ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу натижанинг статистик аҳамиятли эканлигини кўрсатди [CI 95% 1.93 - 3.11; $p < 0,05$].



2- расм. Геронтологик ёшдаги эркак ва аёлларда ёшга боғлиқ ҳолда гипертриглицеридемиянинг тарқалиши хусусиятлари

Дислипидемия геронтологик ёшдаги Фарғона популяциясида - 46,0% тарқалиш частотаси билан тасдиқланди. 60-74 ёшли кексаларда 42,5%, 75-89


ёшли қарияларда-57,7% ва ≥ 90 ёшли геронт аҳолида - 35,7% частоталарда қайд этилиши билан кучли хавф омили сифатида қайд қилинди. Ёшга боғлиқ ҳолда частотаси 22,0% га фарқланиб аниқланган: ДЛП хавфи энг юқори ёш гуруҳи сифатида - 75-89 ёш ва хавф энг кам гуруҳ сифатида ≥ 90 ёш тасдиқланди. [OR =2,45; CI=[2,93-3,11-6]; $\chi^2 =56,21$; $p<0,05$].

Артериал гипертензия билиар панкреатит ривожланишида ҳимоя омили сифатида таъсир этиши асосланди [OR 0.80]. Ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ҳам ушбу боғлиқлик статистик аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатди [CI 95% 0.55 - 1.17; $p = 0.25$].

Турли ёшдаги аёллар ва эркаклар популяциясида АГнинг аниқланиш частотаси қуйидагича эканлиги аниқланди: 38,4% ва 46,3%, 60-71 ёшлиларда ($p>0,05$), 75-89 да - 23,1% ва 37,8% ($p<0,5$), ≥ 90 ёшлиларда - 46,2% ва 100,0% ($p<0,01$) (3-расм).

Тамаки чекиш геронтологик ёшдаги аҳолида қуйидагича аниқланиш частоталарида тасдиқланди: 60-74 ёшлиларда -18,6% , 75-89 ёшлиларда -16,4%, ≥ 90 ёшлиларда 7,1% ва жами $\geq 60-90$ ёшли умумий популяцияда - 18,0%. Ёшга боғлиқ тамаки кечиш-11,5% га ёки 2,5 бараварга камайиш частотаси билан тасдиқланди.

Тамаки чекиш билан боғлиқ билиар панкреатитнинг келиб чиқиш хавфи энг юқори даражаси билан кексаларда ва энг паст даражаси ≥ 90 ёшлиларда кузатилди [OR =1,38; CI=[1,04-1,84]; $\chi^2 =4,91$; $p<0,05$].




3- расм. Артериал гипертензиянинг кекса, қария ва геронт популяцияда эпидемиологик тавсифининг ифодаланиши

Геронтологик ёшдаги аёллар ва эркакларда тамаки чекиш ёшга боғлиқ ҳолда, фарқли частотада ифодаланди, ва қуйидагича қайд этилди: 60-74 ёшда-3,1% ва 41,4% дан, 75-89 да -1,4% ва 34,9%, ≥ 90 ёшда-8,7% ва 0,00%.

Нос чекувчилар, чекмайдиганларга нисбатан 80% ҳолатда кўпроқ билиар панкреатит билан касалланиши исботланди [OR 1,8], ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ҳам ушбу натижанинг статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди [CI 95% 1,32 – 2,44; $p<0,05$].

Алкоголь истеъмомол қилувчилар, истемол қилмаганларга нисбатан 47% ҳолатда кўпроқ билиар панкреатит билан касалланиши асосланди [OR 0.03], ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ҳам ушбу натижанинг статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди [CI 95% 1,07 - 2.01; p<0,05].



4 - расм. Алкоголь истеъмолини қария ва геронт аҳолида БП нинг хавф омили сифатида эпидемиологик тавсифининг ифодаланиши

Турли ёшдаги аёллар ва эркакларда алкоголь истеъмолининг аниқланиш частотаси қуйидаги эпидемиологик тавсифлар билан тасдиқланди: 60-74 ёшда - 0,9% ва 33,1%, 75-89 ёшда - 0,9% ва 28,4% ва ≥90 ёшда - 4,3% ва 0,00% (4-расм).

Тадқиқотда билиар панкреатитнинг хавф омили сифатида алиментар хавф омилларининг (АХО) геронтологик ёшдаги аҳолида тарқалиш частотасининг эпидемиологик хусусиятлари аниқланди.

Геронтологик ёшдаги популяцияда аччиқ таом истеъмоли (АТИО) одати қуйидаги частоталарда қайд этилди: 60-74 ёшлиларда – 3,5%, 75-89 да – 2,1%, ≥90 ёшда 3,6% ва ≥60-90 ёшда 3,1%. АТИО ёшга боғлиқ ҳолда юқори частотада кекса ёшдаги ва геронт ёшдаги аҳолида кузатилади. Умуман унинг турли ёшларди тафовутланиш даражаси - 1,5% ни ташкил қилади. [OR=1,6; CI=[1,27 – 2,03]; $\chi^2 = 15,75$; p<0,05].

Турли ёшдаги аёллар ва эркакларда ҳам шундай тенденцияли тафовутланиш қисман сақланиб ифодаланади. Хусусан 60-74 ёшли аёллар ва эркакларда АТИОнинг тарқалиш частотаси – 3% ва 4,3%, 75-89 ёшларда 1,9% ва 2,3%, ≥ 90 ёшларда 4,35% ва 0,00% аниқланди (5-расм).

Ёғли таом истеъмомол қилувчиларда, истеъмомол қилмайдиганларга нисбатан билиар панкреатит билан касалланишнинг хавфи 3,3 бараварга юқорилиги асосланди [OR 3,34], ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ҳам ушбу натижанинг статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди [CI 95% 2,54 – 4,38; p<0,05].


Жумладан куйидаги эпидемиологик тавсифлар скринингли терапевтик ва профилактик аҳамият кўрсатиб тасдиқланди. 60-74 ёшдаги аёллар ва эркекларда ёғли таом истеъмоли одати – 9,0% ва 12,1% частоталарда қайд қилинди, 75-89 ёшлиларда 6,1% ва 7,05% ≥90 ёшлиларда – 13% ва 0,00% тасдиқланди (p=0,933).

Аччиқ чой ва кофе истеъмол қилувчилар, истеъмол қилмайдиганларга нисбатан 4.4 бараварга билиар панкреатит билан касалланишга мойил эканлиги исботли асосланди [OR 4.4], Ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ҳам ушбу натижанинг статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди [CI 95% 3,26 – 5,94 ; p<0,05].

ҚЧИО 60-77 ёшли аҳолида – 10,6%, 75-89 ёшлиларда – 5,7% ва ≥90 ёшдан ошганларда – 25% частотасида қайд қилинган [OR=4,4; CI=[3,26-5,94]; Хи²=103,74; p<0,05].

Ёш гуруҳларида эса мос равишда аёллар ва эркеклар популяциясида ушбу омилнинг тарқалиш частотаси қуйидагича тавсифланди: 60-74 ёшлиларда – 10,5% ва 10,8% (p>0,05), 75-89 ёшлиларда – 5,7% ва 5,8% (p>0,05), ≥90 ёшда – 26,1% ва 20,0% ((p>0,05).

Режим асосида овқат истеъмол қилувчилар, режимга риоя этмайдиганларга нисбатан 64% ҳолатда камроқ билиар панкреатит билан касалланишга мойил эканлиги исботли асосланди [OR 0.36]. Таҳлил қилиш натижаларига кўра овқатланиш омилнинг роли билиар панкреатитнинг шаклланишида ва кечишида 26,1% ни ташкил этиб тасдиқланди: 60-74 ёшлиларда - 26,1%, 75-89 ёшлиларда - 24,7% ва ≥90 ёшлиларда - 46,4% ни ташкил қилиб тасдиқланди [OR=0,36; CI=[0,26-0,5]; Хи²=39,35; p<0,05].



5-расм. Геронтологик ёшдаги Фарғона аҳолисида аччиқ озиқ овқат маҳсулотларининг истеъмоли одатининг аниқланиш частотасининг ифодаланиши

Геронтологик ёшдаги аҳоли популяциясида гиперхолестеинемия (ГХС), ошқозон ости беги липоматози (ООБЛ) ва ишқорий фосфотазанинг қондаги миқдорининг ортиши билиар панкреатитнинг хавф омилли сифатида

боғлиқлигининг эпидемиологик хусусиятлари ўрганилди.

Гиперхолестеринемия текширилган $\geq 60-90$ ёшли аҳолининг ҳар тўртинчисида (25,0%) аниқланди. ГХС тасдиқланган ва тасдиқланмаган геронтологик ёшдаги аҳолида билиар панкреатитнинг кўшилиб ва алоҳида аниқланиш частоталари мос равишда - 41,0% ва 5,3% даражада, яъни ГХС га боғлиқ ҳолда билиар панкреатитнинг тарқалиш частотаси 8 баравардан кўп ортиши билан тавсифланди ($p=0,012$).

Ошқозон ости беши липоматози билиар панкреатит ривожланишида хавфни сезиларлик ортишига сабаб бўлиши исботли асосланди [OR 7.89], ишонч интервали ва Фишернинг p қиймати ҳам ушбу натижани статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди [CI 95% 5.48 - 11.35; $p<0,05$].

